

jivodnovodstva, ekologii i sozdaniya pastbishnix agrofitotsenozov. 2023. 266-269 betlar.

5. Boybulov B., Xoliqov N. Hisor zotli qo‘ylarni va tivitli echkilarni urchitishda yuqori mahsuldor suruvlar yaratish, Fan, Innovatsion texnika va texnologiyalarning rivojlanish istiqbollari, Respublika ilmiy-amaliy anjumani Qarshi-2023 yil, 27-28 oktabr. 26-29 betlar.

УЎК: 636.32/38

АҚЧАСОЙ ТИПИДАГИ ҚЎЙЛАРНИНГ ЭКСТЕРЬЕР ХУСУСИЯТЛАРИ

Н.Р.Рўзиев-Оҳангарон бўлими бошлиғи, қ.х.-ф.д., профессор,
ruziboevnuraddin@gmail.com

Д.К.Ақназаров-Қўйчилик ва эчкичилик бўлим бошлиғи, қ.х.ф.ф.д., (PhD)
Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти

Аннотация. Мақолада гўшт-ёғ маҳсулдорлик йўналишидаги янги Ақчасой типига эга қўйларнинг 18 ойлик ёшида экстерьер хусусиятлари, соф жайдари зотли қўзиларникига нисбатан юқори бўлганлиги келтирилади. Бу натижалар янги Ақчасой типига қўйлар экстерьер хусусиятлари яъни тана ўлчамлари ва шу асосда ҳисобланган тана индекслари бўйича гўшт йўналишидаги қўйларнинг меъёр талабларига жавоб берганлиги, уларнинг гўшт хилига мансуб эканлигини билдиради.

Калитли сўзлар: зот, тип, совлиқ, насли қўчқор, жайдари, қўзи, қўчқорча, тана ўлчамлари, тана индекслари.

Summary. The article notes that at the age of 18 months, the exterior characteristics of the new Akchasai type of sheep in the meat and fat production direction were higher than those of lambs of the pure Jaidari breed. These results indicate that the new Akchasai type of lambs, in terms of exterior characteristics, that is, body measurements, and the body indices calculated on this basis, meet the standard requirements for meat-oriented sheep and belong to the meat type.

Key words: breed, type, ewe, pedigree ram, jaidari, lamb, ram, body measurements, body indices.

Кириш. Думбали қўй зотлари урчитиш ҳудудларига қараб шохининг шаклига қараб ҳар хил бўлади. Қўчқорлари ва урғочилари асосан шохсиз бўлади, лекин Шарқий Қозоғистон ва Монголиядаги думбали қўчқорлар бурама шохли бўлади, шаклига қараб ёввойи қўчқорларга ўхшаб кетади, урғочи қўйларнинг кўпчилиги асосан шохсиз бўлади [1,9].

Ҳисор ва жайдари зотли қўйлар асосан шохсиз бўлади, баъзи қўчқорларда шох ўрни билиниб туради, худди шунга ўхшаш ҳолат эдилбой зотли қўйларда ҳам кузатилади, лекин сараджи зотли қўчқорларданнинг шохи аниқ билиниб туради, совлиқлари шохсиз бўлади [2,3].

Думбали қўйларнинг қариндош ва географик гуруҳлари барча зотлар учун умумий ўзига хос белгиси бу ёғ захираси думбада жойлашганлиги билан тавсифланади. Қўй зотларининг жинси ва ёшига қараб семизлик даражаси

думбанинг тузилиши ва ҳажмига боғлиқ ҳолда ўзгариб туради. Қўйларда катта думба, юқори семизликдир. Озиб кетган думбали қўй зотида думба бўлмайди, унинг ўрнига шалвираган тери бўлади [4].

Қўйлар организмида тўйимли озукалар трансформациясининг самарадорлигини баҳолаш учун организм тўқималарида озукада алмашинувчи энергиянинг қанчага ўзлаштирилишига боғлиқ, бу организмда оқсил ва ёғга ажралади, бу эса тананинг йириклашишига олиб келади

Жаҳон генофондига хос насли кўчқорларни эдилбой зотли совлиқлар билан чатиштиришдан олинган дурагай кўчқорчаларнинг экстерьер кўрсаткичларини ўрганиш натижалари, турли омиллар таъсирида ўсиш ва ривожланиши, яшаш шароитларига чидамлилиги ва мослашишидан дарак беради [6,8].

Эдилбай ва Жайдари зотига мансуб қўйларни гўшт маҳсулдорлигини оширишда “Бест Мега Мих” тўла қийматли озукадан фойдаланиб юқори самарадорликка эришишган. Кўчқорчаларнинг гўшт маҳсулдорлигини оширишда назорат гуруҳини хўжалик шароитида мавжуд озиқалар билан озиқлантириб, тажриба гуруҳини эса тўла қонли рацион асосида озиқлантириш технологияси ишлаб чиқилган. Тажриба гуруҳидаги кўчқорчаларни назорат гуруҳидаги кўчқорчаларга нисбатан тўла қийматли рацион асосида озиқлантириш натижасида гўшт-ёғ маҳсулдорлик кўрсаткичлари бўйича устун бўлиши аниқланган [5,7].

Тадқиқотнинг мақсади гўшт-ёғ маҳсулдорлик йўналишидаги жайдари зотли ва янги Акчасой типига хос қўйларнинг экстерьер хусусиятларини аниқлаш ҳисобланади.

Тадқиқотларни ўтказиш жойи ва услублари. Тадқиқотлар 2021-2024 йилларда Тошкент вилояти Оҳангарон тумани қўйчиликка ихтисослашган “Қизил Боур” наслчилик фермер хўжалигида олиб борилди.

Тадқиқотлар учун I гуруҳга гўшт-ёғ маҳсулдорлик йўналишидаги жайдари зотли думбали қўзилардан 20 бош, II гуруҳга эса гўшт-ёғ маҳсулдорлик йўналишидаги янги Акчасой типига эга думбали қўзилардан 20 бош танланди. Қўзиларнинг экстерьер хусусиятлари зоотехнияда умумқабул қилинган усуллардан фойдаланиб ўрганилди. Олинган маълумотларнинг ўртача қиймати, арифметик хатоси, ўзгарувчанлик коэффициенти ва ишончлилик даражалари Е.К.Меркурьева (1970) услубидан фойдаланилиб таҳлил қилинди.

Тадқиқот натижалари. Тоғ ва тоғолди ҳудудларида ҳисор зотли насли кўчқорлар билан жайдари зотли совлиқларни завод чатиштириш усулида гўшт-ёғ маҳсулдорлик йўналишидаги думбали қўйларнинг янги "Акчасой" типи яратилди. 2024-йил 4-апрелда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан (№ ЗАР 34) тасдиқланди.

Қўйларнинг маҳсулдорлиги ва тана тузилиши билан ташқи тузилиш шакли ўртасида бир-бири билан ўзаро боғлиқлик бор. Ҳайвонларнинг тана тузилиш шаклига кўра ҳар хил маҳсулдорлик йўналишига эга бўладилар.

Экстерьер бу ҳайвонларнинг ташқи тузилиш шакли бўлиб, у ҳайвоннинг физиологияси ва хўжалик фойдали белгилари билан боғлиқ. Экстерьерга баҳо

берилганда, қўйларнинг маҳсулдорлик йўналишлари бўйича ҳар бир тана қисмга қўйилган талаблар эътиборга олинади ва баҳоланади.

Тадқиқотларда жайдари зотли ва янги Ақчасой типига хос қўйларнинг тана ўлчамлари 1-жадвалда келтирилди.

1-жадвал маълумотларидан кўринишича, II гуруҳдаги янги типга хос қўйларнинг тана ўлчамлари I гуруҳдаги тенгқурларникига нисбатан юқори кўрсаткичлар билан тавсифландилар. Масалан, II тажриба гуруҳидаги кўчқорларнинг яғрин баландлиги 76,93 см, сағри баландлиги -77,56 см, тананинг қия узунлиги-76,92 см, кўкрак кенглиги-20,38 см, кўкрак чуқурлиги-25,81 см, кўкрак айланаси-94,55 см ва поча айланаси-8,10 смга тенг бўлиб, I назорат гуруҳидаги тенгқур кўчқорчаларга нисбатан тегишли равишда яғрин баландлиги- 2,82 см ёки 3,8% ($P>0,999$), сағри баландлиги- 2,81 см ёки 3,8%. ($P>0,99$), тананинг қия узунлиги-3,1 см ёки 4,2% ($P>0,99$), кўкрак кенглиги-0,82 см ёки 4,21% ($P>0,95$), кўкрак чуқурлиги-1,06 ёки 4,3% ($P>0,95$), кўкрак айланаси-3,04 см ёки 3,32% ($P>0,99$) ва поча айланаси-0,03 см юқори бўлди.

1-жадвал

Соф жайдари зотли ва Ақчасой типига қўйларнинг 18 ойлик ёшида тана ўлчамлари, см ($\bar{X} \pm S^x$)

Кўрсаткичлар	Эркак (n=20)		Урғочи (n=20)	
	I	II	I	II
Яғрин баландлиги	74,11+0,486	76,93+0,484***	71,34+0,412	72,62+0,460*
Сағри баландлиги	74,75+0,508	77,56+0,548**	72,0+0,394	73,25+0,468*
Тананинг қия узунлиги	73,52+0,560	76,92+0,631**	70,75+0,535	71,95+ 0,527
Кўкрак кенглиги	19,56+0,306	20,38+0,302*	18,34+ 0,208	19,41+0,225***
Кўкрак чуқурлиги	24,75+0,333	25,81+0,408*	23,25+ 0,254	24,21+ 0,266**
Кўкрак айланаси	91,51+0,660	94,55+0,710**	87,11+ 0,617	89,61+0,638**
Поча айланаси	8,07+0,077	8,10+0,071	8,01+ 0,068	8,04+0,073

эслатма: * $P>0,95$; ** $P>0,99$; *** $P>0,999$

18 ойда II тажриба гуруҳидаги урғочи қўйларнинг яғрин баландлиги 72,62 см, сағри баландлиги -73,25 см, тананинг қия узунлиги-71,95 см, кўкрак кенглиги-19,41 см, кўкрак чуқурлиги-24,21 см, кўкрак айланаси-89,61 см ва поча айланаси-8,04 см га эга бўлиб, I назорат гуруҳидаги тенгқурларникига нисбатан тегишли равишда 1,28 ёки 1,8% ($P>0,95$); 1,25 см ёки 1,7% ($P>0,95$); 1,2 см ёки 1,7%; 1,2 см ёки 1,7%; 1,07 см ёки 5,9% ($P>0,999$); 0,96 см ёки 4,1% ($P>0,99$); 2,5 см ёки 2,87% ($P>0,99$) ва 0,03 см юқори натижа қайд этилди.

Тадқиқотларда ақчасой типига қўйларнинг 18 ойлик ёшидаги тана ўлчамлари бўйича ҳисобланган тана индекслари бўйича узуноеклилик-70,9%, чўзилувчанлик-100%, кўкракдорлик-81,0%, зичлилик-124,9%, суякдорлик-11,5%, ўсувчанлик-101,9% ни ташкил этиб, соф жайдари зотли тенгқурларникига нисбатан 4,2; 0,4; 2,08; 1,0; 0,6 и 1,0% юқори бўлганлиги аниқланди. Ақчасой типига қўйларнинг узуноеклилик, кўкракдорлик, зичлилик ва ўсувчанлик индексларининг юқори натижалар билан тавсифланиши, уларнинг гўшт-ёғ шаклига эга эканлигидан далолат беради.

Хулоса. Тадқиқотларда қўйларнинг тана ўлчамларини ўлчаб, уларни таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатадики, Акчасой типидagi қўйлар жинсидан қатъий назар тана ўлчамлари бўйича соф жайдари зотли тенгқурлариникига нисбатан юқори натижаларга эришдилар. Тана ўлчамлари асосида ҳисобланган тана индекслари бўйича ҳам акчасой типига мансуб қўйларда юқори натижа қайд этилди, бу эса янги типга хос қўйлар гўшт хилига мансуб деган хулосага келиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Шаптаков Э.С., Хушвақтов А.А., Қахаров А.К., Каримов Ш. Ҳисор қўй зоти қўзиларнинг ўсиш ва ривожланиш кўрсаткичлари. Ж. Зооветеринария. 2009. №8 (117), 32-34 б..
2. Бердиева Х.Э., Рўзиев Н.Р. “Ўз ичида” урчитишдан олинган совликлардан туғилган қўзиларнинг тирик вазни. Agrobiotexnologiya va veterinariya tibbiyoti ilmiy jurnali. 2022. 520-524 b
3. Bahodirovich SB, Rahimovich RN. Biological Properties And Breeding Of Meat And Wool Sheep. The American Journal of Agriculture and Biomedical Engineering 2 (09), 71-76.
4. Аллашов Б.Д., Жамолов С.Ғ., Жўраева Д.Р. Сувсизликка ва иссиққа чидамли бўлган озуқабоп экинларнинг хорижий нав ёки намуналарини танлаш. International scientific journal science and innovation issue dedicated to the 80th anniversary of the academy of sciences of the republic of uzbekistan 2023й. 285-296.
5. Парманова Д., Шохназарова Ш. Жайдари зотли қўчқорчаларни жадал ўстириш ва уларнинг гўшт маҳсулдорлиги. Актуальные проблемы пустынного животноводства, экологии и создания пастбищных агрофитоценозов. 2023, 266-269 с.
6. Xatamov A.X. Qumli cho‘l va adir sharoitida qorako‘l qo‘ylarining eksteryer xususiyatlari. 2023. №5 (33). 19-21 b
7. Parmanova D.M., Shoxnazarova Sh.A. Tajribadagi qo‘zilarning tirik vazn ko‘rsatkichlari. 2023. №5 (33). 21-24 b
8. Тўхтаев О. Б. Турли зот ва зотдорликдаги дурагай қўзиларнинг уч ойлик ёшида тана ўлчамлари //Science and innovation. – 2024. – Т. 3. – №. Special Issue 47. – С. 320-323.
9. Shaptakov E.S., Xatamov A.X. Mo‘g‘uliston davlatidan keltirilgan “Bayat” zotli qo‘ylar Navoiy viloyatida iqlimlashtirilmoqda. Chorvachilik va naslchilik ishi. 2025. №1 (41). 10-11 B.

101	Abdykarimova SH.A., Dyussembayev S.T., Serikova A.T. Features of using natural aluminosilicates-bentonite and zeolites in agriculture	388
102	Boybulov B.Sh., Ulug'muradov A.D., Xatamov A.X. Qo'ychilik tarmog'ini rivojlantirishning muhim omillari	392
103	Рўзибоев Н.Р., Акназаров Д.К. Акчасой типдаги қўйларнинг экстерьер хусусиятлари	396
104	Рўзибоев Н.Р., Гаибназаров Д.А., Юлдашева А.М. Гўшт-ёғ маҳсулдорлик йўналишидаги акчасой типига мансуб қўйларнинг тирик вазни	400
105	Turganbayev R.U., Yerimbetova J.B. Ustyurt sharoitida tuyalar jun mahsuldorligining tug'im yoshi va yaylov hududlariga bog'liqligi	404
106	Suyunova Z.B., Yaxyayev B.S. Organik moddalar hazmlanishi va sigirlar sut mahsuldorligiga ratsion tarkibining ta'siri	408
107	Axtamova M.T. Ozuqaviy qo'shimchalardan foydalanishning qoramollar sut mahsuldorligiga ta'siri	411
108	Хафизов И.И. Отларини бонитировка қилиш тамойиллари	415
109	Хафизов И.И. Отларнинг экстерьер ва уни баҳолаш	419
110	Хафизов И.И. Отларда интерьер кўрсаткичларини ўрганишнинг илмий-амалий аҳамияти	423
111	Boybulov B.Sh. Hisor zotli qo'ylarni bosh sonini ko'paytirish va naslini yaxshilash	427
112	Boybulov B.Sh., Xoliqov N., Buxarova M. Issiq iqlim sharoitida mahalliy ozuqalar va xorijiy faol biologik qo'shimchalardan foydalanib sigirlarning sut mahsuldorligini oshirish	431
113	Xolmatov A.X., Xodjaev U.T. Yosh parrandalarni organik ozuqa qo'shimchalari bilan oziqlantirishning ahamiyati	434
114	Xolmatov A.X., Xodjaev U.T. Uy sharoitida g'ozlarni parvarishlash texnologiyasi	438
115	Акназаров Д.К. Туркиядан импорт қилинган ангор зотли она эчкилардан туғилган авлодларнинг тирик вазн кўрсаткичлари	441
116	Erqulov U.U. Simmental zotli tanachalarni eksteryer ko'rsatkichlari	445
117	Kaniyazova A.A., Erdanova G.M. Tuxum yo'nalishidagi dominant D-149 tovuqlarining maxsuldorlik xususiyatlari haqida	447
118	Jo'rayeva D.R. Asalari zahari va uni tavsifi	451
119	Jo'rayeva D.R. Asalari zahari va uni olish usullari	454
120	Jo'rayeva D.R. Фацелия бу	459
121	Karshiyev Z.A. Zaanen hamda kamori zotli naslli takalar bilan mahalliy echkilarni chatishtirishdan olingan birinchi avlod duragaylarning tirik vazn dinamikasi va o'sish ko'rsatkichlari	462
122	Улугмуратов А.Д., Исматова Р.А., Л.Х.Ахмадалиева Актуальность правовой охраны изобретений в НИИветеринарии	467
123	Туткышбай И.А., Оспанова М.С. Исследование домашних индивидуальных собак на туберкулез	470
124	Сарыбаев Ы.У. Иммуноферментное определения эстрадиола в	475